

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29. 01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАППАРОВА ГУЛИ НУРМУМИНОВНА**

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА БОЛАЛАРДА  
ПИЕЛОНЕФРИТНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Гаппарова Гули Нурмуниновна**

COVID-19 пандемияси даврида болаларда пиелонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари, диагностикаси ва даволаш

..... 3

**Гаппарова Гули Нурмуниновна**

Клинико-лабораторные особенности диагностика и лечения

пиелонефрита у детей во время пандемии COVID-19..... 25

**Gapparova Guli Nurmuminovna**

Clinical - laboratory features diagnosis and treatment pyelonephritis in children during a pandemic COVID-19..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29. 01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАППАРОВА ГУЛИ НУРМУМИНОВНА**

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА БОЛАЛАРДА  
ПИЕЛОНЕФРИТНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктор (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1898 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аҳмеджанова Наргиза Исмоиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шарипов Алишер Мирхамидович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бобомурадов Турдикул Акрамович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223- уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т. А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Қ. Н. Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда SARS-CoV-2 вируси билан боғлиқ COVID-19 пандемияси қисқа вақт мобайнида юқори суръатда тарқалиши натижасида, соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ва фавқулодда эпидемиологик вазият юзага келди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 2024 йил 31 мартдаги маълумотларига кўра, «...дунё бўйича COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ҳолатлар 774 миллиондан ошган, шунингдек 7 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари қайд этилган...»<sup>1</sup>. Дунё бўйича COVID-19 оқибатида вафот этганларнинг 0,4% (яъни 17 400 нафардан ортиқ) болалар ва ўсмирлар ҳиссасига тўғри келган. Улардан 53% 10–19 ёшдаги ўсмирлар, 47% эса 0–9 ёшдаги болалар бўлган. Болалар ва ўсмирларда коронавируснинг кечиши жуда хилма-хил бўлиб, ренал асоратларнинг учраш частотаси 18% дан 44% гача етиши тасдиқланган. Шу муносабат билан анамнезида COVID-19 ўтказган болаларда буйрак функциясини назорат қилиш ва даволаш усуллари самарадорлигини ошириш замонавий педиатриянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан COVID-19 инфекцияси фонида болаларда ривожланаётган буйрак патологияларини барвақт аниқлаш мақсадида клиник ва лаборатор кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилишга қаратилган қатор мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, COVID-19 ўтказган болаларда ривожланган сийдик ажратиш тизими аъзоларининг яллиғланиш касалликлари, буйракларнинг функционал ҳолати ва уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш, касалликнинг шаклланиши ва кечишида КИМ-1,  $\beta$ 2М ва буйрак ферментлари кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш, прогнозлаш ва эрта ташхислашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини дунё андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, COVID-19 ўтказган болаларда буйрак патологияларининг ривожланишини олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш, буйракларда кечаётган патологик шикастланиш даражасини динамикасини ўрганиш, шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг диагностик қийматларини аниқлаш орқали терапевтик

<sup>1</sup> <https://www.who.int/publications/m/item/covid-19-epidemiological-update-edition-166>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида". 2022 йил 28 январь, ПФ–60-сон. <https://lex.uz>

тадбирларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сони «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>, 2020 йил 27 июлдаги ПҚ- 4790-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июлдаги 446-сон «Коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Диссертация иши VI Тиббиёт ва фармакология" фан-техника тараққиётининг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё олимлари томонидан COVID-19 ўтказган болаларда буйрак касалликлари ва уларнинг оқибатларини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотлар кенг намоиш этиб борилмоқда (Ozsurekci Y. et al., 2021, Mittal A. et al., 2022, Jung J. et al., 2024). Муаллифлар, мавжуд адабиётлардан олинган маълумотларга таяниб, касалликнинг тарқалиши билан бирга, буйрак патологияси билан оғриган бемор болаларнинг сони ҳам ортиб бораётганини таъкидлаган. Қатор тадқиқотчилар томонидан SARS-CoV-2 вирусининг ренал хужайрага таъсир механизмлари кўриб чиқилган (Ahmadian E. et al., 2020, Bernal C. et al., 2024). COVID-19 касаллигининг нафақат оғир, балки енгил ва ўрта оғир шакллари ҳам беморларда буйрак асоратларининг ривожланиш хавфини ошириши мумкинлиги айтиб ўтилган (Saygili S. et al., 2022). COVID-19 болаларда буйракнинг тубуляр ва интерстициал тўқималарини шикастлантириши орқали яллиғланиш ва интерстициал фиброз ривожланишини келтириб чиқаришига доир бир қатор омиллар юзасидан янги илмий қарашлар тақдим этилган (Jansen J. et al., 2021).

МДХ мамлакатлари олимларининг маълумотларига кўра COVID-19 билан оғриган беморларда буйрак патологиясининг келиб чиқишида гипоксия ҳам муҳим ўрин эгаллайди (Шамхалова М.Ш., и др., 2020). Сўнгги йилларда бир қатор тадқиқотчилар болаларда учрайдиган COVID-19 касаллигининг ўзига хос клиник хусусиятлари ва даволаш самарадорлигини ўрганиш орқали COVID- 19 нинг болаларга таъсирини ўрганишга катта ҳисса қўшган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2020 йилдаги ПҚ-4649-сон қарори, <https://president.uz/uz/lists/view/3474>

(Винников Д. В., и др., 2023). Пандемия шароитида болаларнинг жисмоний ва рухий саломатлигининг асосий хавф омиллари бир қанча олимлар гуруҳи томонидан ўрганилган (Акматова А. И др., 2021; Ирфан О. и др., 2020). COVID-19 билан оғриган беморларда буйрак патологияларини эрта аниқлаш ва уларни коррекция қилиш, асорталарни олдини олиш мақсадида изоляциланган сийдик синдроми аниқланган беморларни узоқ муддатли мониторинг қилиш тавсия этилган (Нугманова А.М. и др., 2021, Байзак М.А. и др., 2021, Борисова О.В. и др., 2022).

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида буйрак касалликларини самарали ташхислаш, даволашнинг замонавий технологияларини қўллаш ва олдини олиш борасида қатор муаллифлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Шарипов А. М., 2019; Ахмеджанова Н.И. ва ҳаммуаллифлар 2019; Зуфаров Ш. А. ва ҳаммуаллифлар, 2017). Болалар саломатлигига коронавирус инфекцияси таъсирини комплекс баҳолаш бўйича қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган (Алимова Х.П., Рахманова Д.И., Марданова Х.А. ва ҳаммуал., 2021; Нуриллаева Н.М. ва ҳаммуал., 2021; Иноятова Ф.И., 2022). Аммо, COVID-19 ўтказган болаларда пиелонефритнинг ўзига хос клиник-лаборатор хусусиятлари, буйракларнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш болаларда батафсил ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси муаммонинг долзарблиги, шунингдек, ушбу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш, замонавий педиатриянинг кенг тарқалган муаммоси бўлган COVID-19 касаллигини ўтказган болаларда ренал патологияларни эрта ташхислаш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва асоратларни профилактика қилиш заруриятини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг №01980006703-сонли “Замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** анамнезида COVID-19 ўтказган болаларда пиелонефритни эрта ташхислаш ва комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашда клиник-лаборатор хусусиятларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда буйрак парциал функцияси кўрсаткичларини аниқлаш ва буйрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларини доплер текшируви ёрдамида баҳолаш;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда ферментурия кўрсаткичларини баҳолаш;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда KIM-1,  $\beta$ 2M, NGAL кўрсаткичларини клиник ва диагностик аҳамиятини баҳолаш;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда буйрак парциал функцияси ва ферментурия, КИМ-1,  $\beta$ 2М кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни баҳолаш;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларни комплекс даволаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу даволаш усулини терапевтик самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази нефрология булимида 2020-2023 йилларда даволанган 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 121 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида умумий клиник ва биокимёвий тадқиқотлар учун беморларнинг периферик қон, қон зардоби ҳамда пешоб материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, микробиологик, биокимёвий, доплероетрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда буйракнинг проксимал (протеинурия соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 11 баробар ортган) ва дистал каналчалар дисфункцияси (аммониогенез 34% пасайган) билан бир қаторда гломеруляр функцияси (КФТ соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 38% камайган) бузилиши исботланган;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда ферментурия кўрсаткичларини ( $\gamma$ -ГТ 4,57- 5,84 марта ортган) ишончли даражада ортганлиги исботланган;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда сийдикда КИМ-1 (3,77-4,51 баравар), NGAL (25,9-26,4 марта) ва  $\beta$ 2М (7,64-9,16 баробар) кўрсаткичларини ортиши буйрак тўқимасидаги кучли яллиғланиш жараёнлари, гипоксия ҳолати билан боғлиқ эканлиги исботланган;

анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда (Нефростен ва витамин А) ўтказилган комплекс терапия антиоксидант, мембраностабилизатор, регенератив, репаратив, яллиғланишга қарши ижобий таъсирлари сабабли беморларни стационар даволаниш муддати 4 кунга қисқариши, ремиссия даврини узайиши, сийдикда КИМ-1 даражаси 3,29 баробар,  $\beta$ 2М даражаси 5,57 баробар,  $\gamma$ -ГТ 3,85 баробарга камайишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анамнезида COVID-19 ўтказган, пиелонефритли болаларда КФТнинг 38% га камайиши нефроннинг гломеруляр тузилмасига коронавирус инфекциясининг юқори тропизмини кўрсатади, ушбу патологик ўзгаришлар буйрак доплероетрияси орқали аниқланган гемодинамик бузилишлар билан асосланган;

сийдикда буйрак ферментлари миқдорининг юқори бўлиши буйрак паренхимаси мембранолизининг предиктори ҳисобланади, бу ҳолат

касалликнинг илк босқичларида мембранани шикастловчи (мембранодеструктив) жараёнларнинг даражасини баҳолаш ҳамда касаллик оқибатини прогноз қилиш имконини бериши асосланган;

анамнезида COVID-19 ўтказган, пиелонефритли болаларда буйрак тўқимасида гипоксия ривожланишини кўрсатувчи KIM-1,  $\beta$ 2-макроглобулин, NGAL каби биомаркерларнинг ўзгариш хусусиятлари ва даражаси аниқланди, ушбу кўрсаткичларни аниқлаш касаллик асоратларини олдини олиш ва даволашда дифференциал ёндашувни таъминлаши асосланган;

тадқиқот натижаларига кўра, анамнезида COVID-19 ўтказган ва пиелонефрит билан касалланган болалар учун амалиётдаги соғлиқни сақлаш шароитига мос равишда модификация қилинган ва амалиётга жорий этилган комплекс терапевтик тактика ишлаб чиқилган.

**Илмий натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланиладиган замонавий ёндашув ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мослиги, ўтказилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефритли болаларда буйрак ферментлари, сийдикда KIM-1,  $\beta$ 2M, NGAL кўрсаткичларида аниқланган ўзгаришлар буйракларнинг функционал ҳолати клиник-лаборатор хусусиятларини баҳолаш имконини бериши, бу кўрсаткичлар ўртасида ўрнатилган коррелятив ўзаро боғлиқлиги, пиелонефрит касаллигини самарали даволаш усулларини такомиллаштирилганлиги, болалар орасида пиелонефрит билан касалланишни олдини олиши ва салбий омилларни ўз вақтида бартараф этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анамнезида COVID-19 ўтказган болаларда ривожланган пиелонефрит касаллигини анъанавий даволаш фонида Нефростен ва витамин А билан комплекс даволаш клиник-лаборатор ҳолатни барқарорлаштириши, буйрак функцияси, буйрак ферментлари, сийдикдаги KIM-1,  $\beta$ 2-макроглобулин, NGAL кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатишга ёрдам бериши, пиелонефрит асоратларининг ривожланишини олдини олиши, иқтисодий харажатларни камайтириши ва ушбу даволаш усулларини педиатрия амалиётида кенг қўллаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

COVID-19 ўтказган, пиелонефрит билан касалланган болаларда пиелонефритни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда буйракнинг проксимал (протеинурия соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 11 баробар ортган) ва дистал каналчалар дисфункцияси (аммониогенез 34% пасайган) билан бир қаторда гломеруляр функцияси (КФТ соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 38% камайган) бузилиши исботланган ва Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 10 октябрдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган “COVID-19 пандемияси даврида болаларда пиелонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари ва диагностикаси” номли услубий тавсияномада ифодаланган, Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 16.09.2023 йилдаги 79-сон ва Самарқанд шаҳар №1 болалар шифохонасининг 30.08.2023 йилдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/22-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда буйракнинг проксимал (протеинурия соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 11 баробар ортган) ва дистал каналчалар дисфункцияси (аммониеогенез 34% пасайган) билан бир қаторда гломеруляр функцияси пасайишини (КФТ соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан 38% камайган) биргаликда кузатилиши буйрак фаолиятининг бузилишини эрта прогноз қилиш учун аниқ тузилмавий мезонлардан фойдаланиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда ўрганилган тузилмавий диагностик мезонлар буйрак функцияси бузилишларини ташхислашда қушимча инвазив текширувлар (биопсия ва морфологик таҳлиллар)дан воз кечиш имконини ва умумий 71 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 46860000 сўм маблағни тежаш имконини берган. **Хулоса:** хар бир нафар бемор учун бюджет маблағларини 660000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда ферментурия кўрсаткичларини ( $\gamma$ -ГТ 4,57- 5,84 марта ортган) ишончли даражада ортганлиги мембранолиз мавжудлигидан далолат бериши исботланган ва Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 10 октябрдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган “COVID-19 пандемияси даврида болаларда пиелонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари ва диагностикаси” номли услубий тавсияномада ифодаланган, Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 16.09.2023 йилдаги 79-сон ва Самарқанд шаҳар № 1 болалар шифохонасининг 30.08.2023 йилдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил

26 августдаги 05/22-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда ферментурия кўрсаткичларининг ишончли даражада бузилиши ( $\gamma$ -ГТ 4,57- 5,84 марта ортганлиги) аниқланган ва ферментни сийдикда аниқланиши тубулоинтерстициал тўқима хужайралари шикастланишининг сифатий ва миқдорий мезони сифатида баҳоланиб, тубулоинтерстициал тўқимада мембранолиз жараёнини назорат қилишда скрининг тести сифатида қўллаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ферментурия кўрсаткичларини ( $\gamma$  -ГТ даражалари) баҳолаш усулини жорий этилиши орқали ташхис жараёнида қимматбаҳо ва инвазив текширувлардан воз кечиш имконини ва умумий 71 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 46860000 сўм маблағни тежаш имконини берган. **Хулоса:** хар бир нафар бемор учун бюджет маблағларини 660000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

**учинчи илмий янгилик:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда сийдикда КИМ-1 (3,77-4,51 баравар), NGAL (25,9-26,4 марта) ва  $\beta$ 2М (7,64-9,16 баробар) кўрсаткичларини ортиши буйрак тўқимасидаги кучли яллиғланиш жараёнлари, гипоксия ҳолати билан боғлиқ эканлиги исботланган ва Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 10 октябрдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган “COVID-19 пандемияси даврида болаларда пиелонефритнинг клиник-лаборатор хусусиятлари ва диагностикаси” номли услубий тавсияномада ифодаланган, Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 16.09.2023 йилдаги 79-сон ва Самарқанд шаҳар № 1 болалар шифохонасининг 30.08.2023 йилдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/22-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда КИМ-1 (3,77-4,51 баравар), NGAL (25,9-26,4 марта),  $\beta$ 2М (7,64-9,16 баробар) кўрсаткичлари ортган, сийдикдаги КИМ-1, NGAL ва  $\beta$ 2М даражаси буйрак тўқималарининг шикастланиш даражасига тўғридан-тўғри пропорционал бўлиб, сийдикда КИМ-1, NGAL ва  $\beta$ 2М қийматини аниқлаш уларни нефронларнинг структуравий шикастланишининг эрта диагностик белгилари сифатида қўллаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда сийдикда КИМ-1, NGAL ва  $\beta$ 2М қийматини аниқлаш уларни нефронларнинг структуравий шикастланишининг эрта диагностик белгилари сифатида қўллаш ва бу маркерларнинг амалиётга жорий этилиши инвазив диагностика муолажаларини камайтириш, асоратларни олдини олиш ва умумий 71 нафар бемор болалар учун ҳисобланганда 46860000 сўм маблағни тежаш имконини берган. **Хулоса:** хар

бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 660000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*туртинчи илмий янгилик:* анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефрит билан касалланган болаларда (Нефростен ва витамин А) ўтказилган комплекс терапия антиоксидант, мембраностабилизатор, регенератив, репаратив, яллиғланишга қарши ижобий таъсирлари сабабли беморларни стационар даволаниш муддати 4 кунга қисқариши, ремиссия даврини узайиши, сийдикда КИМ-1 даражаси 3,29 баробар,  $\beta$ 2М даражаси 5,57 баробар, у-ГТ 3,85 баробарга камайишига олиб келиши исботланган ва Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 10 октябрдаги 67-сонли буйруғи билан тасдиқланган “COVID-19 пандемияси даврида болаларда пиелонефритни даволашни такомиллаштирилган усули” номли услубий тавсияномада ифодаланган, Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 16.09.2023 йилдаги 79-сон ва Самарқанд шаҳар № 1 болалар шифохонасининг 30.08.2023 йилдаги 44-сонли буйруғи билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/22-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефритли болаларда Нефростен ва А витамини ёрдамида ўтказилган комплекс терапия қўлланилиши самарали натижалар берган, беморларнинг стационар даволаниш муддати 4 кундан ортиқроқ қисқаришига ва бу эса ремиссия даврининг узайишига, асоратлар ривожланишининг олдини олишга, болалар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** анамнезида COVID-19 ўтказган пиелонефритли болаларда комплекс даволаш усули (Нефростен ва А витамини) қўллангандан сўнг стационар даволаниш муддати 4 кунгача қисқарган, бу эса комплекс даво олган 71 нафар беморларга умумий ҳисобда 46860000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон берган. **Хулоса:** ҳар бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 660000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 халқаро ва 2 республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши материаллари бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шу жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги ва олиб борилган илмий тадқиқотларнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот республикада амалга оширилаётган фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Анамнезида COVID-19 ўтказган болаларда пиелонефрит этиопатогенезининг хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммо бўйича фундаментал илмий маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида COVID-19 билан касалланган болаларда пиелонефритни тарқалиши, этиологияси ва патогенези, эрта ташхислаш мезонлари, замонавий даволаш усуллари ҳақидаги замонавий адабиёт маълумотлари шарҳланади ва ушбу муаммонинг ҳал этилмаган тарафлари ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлиги ёритиб берилади.

Диссертациянинг **“Анамнезида Covid-19 ўтказган ўткир ва сурункали пиелонефрит билан оғриган болаларда лаборатория ва инструментал текширишнинг клиник хусусиятлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, ҳажми ва тадқиқот услублари, асбоб-ускунавий, статистик услубиятлар ёритиб берилган. Тадқиқотга 121 нафар бемор болалар киритилган, барча беморлар 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга анамнезида COVID-19 ўтказган ўткир пиелонефритли болалар (n=50) киритилди. Иккинчи гуруҳни анамнезида COVID-19 бўлмаган ўткир пиелонефритли беморлар (n=50) ташкил қилди. Учинчи гуруҳни анамнезида COVID-19 ўтказган сурункали пиелонефритли (n=21) беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳ беморлари касалхонага қабул қилинган кундан 1-3,5 ой илгари анамнезида COVID-19 ўтказган.


Барча беморлар ўткир пиелонефритнинг клиник фаол даврида ва сурункали пиелонефритнинг қайталаниши пайтида тадқиқотга киритилган.

Клиник диагноз Н. А. Коровина (2002) таклиф этган таснифга кўра, ташхислаш мезонлари асосида амалга оширилди. Барча бемор болалар бирламчи кўригида уларнинг анамнез маълумотлари, объектив кўрик натижалари, клиник лаборатор кўрсаткичлари, инструментал текширувлар шунингдек, махсус биокимёвий текширув натижалари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра ўғил ва қиз болаларнинг касалланиши ўрганилганда асосан қизларнинг пиелонефрит билан касалланиш ҳолати кўп қайд этилди, 1:1,88 нисбатда. Бу ҳолат ўрганилган адабиётлардаги кўрсаткичларга мос келади ҳамда қиз болаларда сийдик чиқариш йўллариини ўзига хос анатомо-физиологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади (1-расм).

Болаларнинг ўртача ёши  $9 \pm 2,4$  ёшни ташкил қилди. Беморларимизнинг асосий контингентини 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган 61,15 % (74 нафар) болалар ташкил қилди. Ёш гуруҳлари ЖССТ тавсия қилган болалик даврларининг таснифи асосида тузилган.

Клиник-лаборатор ҳамда функционал тадқиқот усуллариининг натижаларига кўра дисметаболик нефропатия фонида ривожланган иккиламчи пиелонефрит энг кўп қайд этилди ( $n= 83$  (68,59%)). Беморларнинг 23,15% (28) пиелонефритнинг бирламчи шакли тасдиқланган, қолган 8,26% (10) болаларда касалликнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар аниқланмади.



**1-расм.** Бемор болаларнинг ёш ва жинсга кўра тақсимланиши


Бирламчи кўриқда пиелонефритнинг қўйидаги клиник белгилари кузатилди: беморларда юз соҳасида шишлар асосан анамнезида COVID-19 ўтказган ЎП 78% (39) беморларда ва СП беморлар 80,9% (17) да яққол ифодаланганлиги кузатилди, юқори қовоқлар соҳасида шишлар 2- гуруҳ болаларининг 62% (31) аниқланди.

Касалликнинг ренал белгилари: бел соҳасида оғриқ, Пастернацкий симптоми (+) 1-гуруҳ беморларининг 96% (48) 2-гуруҳ болаларининг 84% (42) ва 3- гуруҳнинг 95% (20) аниқланган.

Беморларда дизурия тез-тез ва оғриқли сийдик ажратиш шаклида (1-гуруҳ 86% (43), 2-гуруҳ 78% (39), 3-гуруҳ 85% (18)) кузатилди. Анамнезида COVID-19 ўтказган СП билан оғриган беморларда поллакиурия кейин кам-кам миқдорда оғриқли сийиш билан ўрин алмашгани кузатилди. Буни вирус токсинларининг буйракка бевосита патогенетик таъсири билан боғладик.

Тадқиқотимиздаги барча беморларда пиелонефрит кўзғатувчисини аниқлаш ҳамда антибиотикотерапия танлови учун сийдикни бактериологик текшируви ўтказилди. Абсолют бактериурия 73,5% (89) беморларда аниқланди. Шундан 1-гуруҳ 41,2% (50) беморларда бактериурия 86% (43) ни ташкил этди, 2-гуруҳ 41,2% (50) беморларда бактериурия 68% (34) ни ташкил этди, 3-гуруҳ 17,6 % (21) беморларда патологик бактериурия 57,1% (12) беморларда аниқланди (расм.2).

Экмаларни бактериологик текширувида кўзгатувчиларнинг асосий улушини *Esherichia coli* ташкил этди – мос равишда 81,3% (35), 73,5% (25) ва 58,3% (7).



2-расм. Сийдик ажратиш йўлларидаги бактериал таркиби

**Тадқиқот усуллари.** Буйракнинг парциал фаолиятини таҳлил қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди:

- нефрон тузилмалари ҳолатини аниқлайдиган усуллар: Шумлянский-Боуман капсулалари-КФТ; проксимал каналчалар-кунлик протеинурия; дистал каналчалар-сийдикда аммоний ва титрланган кислоталар даражаси, Зимницкий синамаси, сийдик рН;

- нефроннинг суммар фаолиятини баҳолаш усуллари: қон зардобиди креатинин, сийдикчил миқдорини аниқлаш.

Бундан ташқари, барча беморлар сийдик тизимининг УТТ, қон босимини улчаш, буйрак гемодинамикасини баҳолаш учун ренал доплерометрия текширувлари ўтказилди.

Пиелонефритда буйрак тўқималардаги патологик ҳолатни эрта аниқлаш ва оғирлик даражасини баҳолаш мақсадида сийдикни патобиокимёвий текширувлари ўтказилди: КИМ-1, NGAL, β2-микроглобулин, γ-ГТ даражалари баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи “**Анамнезида COVID-19 ўтказган ўткир ва сурункали пиелонефрит билан касалланган беморларда даволашгача буйрак парциал функциялари, ферментурия кўрсаткичлари, сийдикдаги КИМ-1, NGAL, β2-микроглобулин миқдори ва буйракнинг доплерометрик текширув кўрсаткичлари**” бобида касалхонага қабул қилинган беморларда буйракларнинг парциал функциялари, ферментурия кўрсаткичлари, сийдикдаги КИМ-1, NGAL, β2-микроглобулин миқдори ва буйракнинг доплерометрик текширув кўрсаткичларини баҳолаш натижалари ёритилган.

Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича таҳлили натижасида соғлом болаларда буйрак функциясини баҳоловчи кўрсаткичлар орасида ахамиятли статистик фарқ кузатилмади ( $p > 0,05$ ). Бу ҳолат ушбу кўрсаткичларни ягона гуруҳ сифатида бирлаштириш ва уларнинг ўртача қийматларини шартли норматив меъёр сифатида қўллаш имконини берди.

Биз пиелонефрит билан касалланган барча беморларда буйракларни парциал функциясини ўзгаришларини таҳлил қилдик. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, 1 ва 3-гурӯҳ беморларда барча клиник ва лаборатория кўрсаткичлари 2-гурӯҳга нисбатан сезиларли даражада яққол ифодаланди. Ушбу ўзгаришлар касалликнинг келиб чиқиш сабаблари (этиологик омиллари)га боғлиқ равишда турлича намоён бўлиши мумкинлиги тасдиқлайди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики 2-гурӯҳ беморларда касалликнинг фаол босқичида КФТ ( $86,3 \pm 0,4$  мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ) ёш нормаси доирасида сақланиб қолган. Шу билан бирга, 1-гурӯҳ ( $64,5 \pm 0,30$  мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ;  $p \leq 0,001$ ) ва 3-гурӯҳ ( $61,62 \pm 0,28$  мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ;  $p \leq 0,001$ ) беморлари учун гломеруляр филтрациянинг статистик жиҳатдан яққол даражада пасайиши ҳарактерли бўлди.

Тадқиқотга киритилган беморларда сийдикда титрланадиган кислота (1-гурӯҳ  $23,23 \pm 0,64$  ммол/24  $p \leq 0,001$ ; 2-гурӯҳда  $32,04 \pm 0,24$  ммол/24; 3-гурӯҳда  $22,12 \pm 0,18$  ммол/24;  $p \leq 0,001$ ) экскрециясини камайиши аниқланди, бу дистал найчаларнинг транспорт функциясининг сезиларли даражада бузилганлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра сийдикнинг нисбий зичлиги барча беморларда пасайганлиги қайд қилинди, аммо бу кўрсаткич 1 ва 3 гурӯҳ (1-гурӯҳ  $1013,18 \pm 0,29$   $p \leq 0,01$ ; 2-гурӯҳ  $1016,34 \pm 0,23$   $p \leq 0,05$ ; 3-гурӯҳ  $1011,48 \pm 0,42$  ммоль/л;  $p \leq 0,01$ ) беморларда назорат гурӯҳига ( $1022,13 \pm 0,12$ ) нисбатан сезиларли даражада бузилганлиги кузатилди, бу ўзгаришлар SARS-COV-2 дистал найча дисфункциясини кучайтиришини тасдиқлайди.

Охирги йилларда яллиғланиш жараёнининг энг муҳим диагностик маркерлари сийдик билан ажраладиган буйрак тўқимаси ферментлари миқдори ҳисобланади. Бу маълумотлар COVID-19 ўтказган пиелонефрит бўлган барча болаларда  $\gamma$ -ГТ кўрсаткичлар даражасини ўрганишга асос бўлди.

#### 1-жадвал

### Анамнезида COVID-19 ўтказган, пиелонефрит бўлган болаларда ферментурия кўрсаткичи

| Кўрсаткичлар       | Соғлом болалар<br>n=25 | Тадқиқот гурӯҳлари                |                                   |                                   |
|--------------------|------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|
|                    |                        | 1-гурӯҳ<br>n=50                   | 2-гурӯҳ<br>n=50                   | 3-гурӯҳ<br>n=21                   |
| $\gamma$ -ГТ, ед/л | $7,67 \pm 0,01$        | $35,10 \pm 0,13$<br>$p \leq 0,01$ | $11,44 \pm 0,05$<br>$p \leq 0,05$ | $44,82 \pm 0,31$<br>$p \leq 0,01$ |

*Изоҳ: p- пиелонефрит фаол босқичи билан касалланган беморлар ва соғлом болалар ферментурия кўрсаткичларини ўзаро солиштиришида фарқларнинг ишончлилиги*

$\gamma$ -ГТ даражаси 1 ва 3-гурӯҳда ( $35,10 \pm 0,13$ ;  $44,82 \pm 0,31$  ед/л;  $p \leq 0,01$ ) 2-гурӯҳга қараганда ( $11,44 \pm 0,05$  ед/л;  $p \leq 0,05$ ) юқорилиги кузатилди (1-жадвал).  $\gamma$ -ГТ соғлом болаларда  $7,67 \pm 0,01$  ед/л ни ташкил этди.

Шундай қилиб, 1 ва 3-гурӯҳда  $\gamma$ -ГТ концентрациясининг юқори бўлиши короновирусни буйрак тўқимасида гипоксемия, эндотелиал дисфункция,

глутатион метаболизмининг бузилишини ривожлантирганлиги учун юзага келади.

Биз беморларда буйрак зарарланган молекуласи-1 (КІМ-1) кўрсаткичларини ўргандик. Лаборатор таҳлил натижаларига кўра КІМ-1 даражаси 1 ва 3 гуруҳ беморларда ( $5,73 \pm 0,03$  нг/мл;  $6,86 \pm 0,02$  нг/мл;  $p \leq 0,01$ ) статистик жиҳатдан сезиларли ортганлиги аниқланди, 2- гуруҳ беморларда бу кўрсаткич  $2,97 \pm 0,01$  нг/мл, соғлом болаларда эса  $1,52 \pm 0,01$  нг/мл (2-жадвал) ни ташкил этди.

## 2-жадвал

### Анамнезида COVID-19 ўтказган, пиелонефрит бўлган болаларда сийдикда КІМ-1-кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Соғлом болалар n=25 | Тадқиқот гуруҳлари               |                                  |                                  |
|--------------|---------------------|----------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|
|              |                     | 1-гуруҳ n=50                     | 2-гуруҳ n=50                     | 3-гуруҳ n=21                     |
| КІМ-1, нг/мл | $1,52 \pm 0,01$     | $5,73 \pm 0,03$<br>$p \leq 0,01$ | $2,97 \pm 0,01$<br>$p \leq 0,05$ | $6,86 \pm 0,02$<br>$p \leq 0,01$ |

**Изоҳ:** p- пиелонефрит фаол босқичи билан касалланган беморлар ва соғлом болалар уртасида ЭИ кўрсаткичларини ўзаро солиштиришида фарқларнинг ишончлилиги

1 ва 3-гуруҳ беморларда КІМ-1 миқдори 2-гуруҳга қараганда сезиларли даражада юқорилиги кузатилди. Бу проксимал тубулоларнинг ишемик, токсик шикастланиши, тубулоинтерстициал ремоделлашув жараёнлари фаоллиги ошиши билан боғлиқ.

Тадқиқотга киритилган беморларда  $\beta 2$ -микроглобулин ( $\beta 2M$ ) даражасини ҳам ўргандик.

Сийдикдаги  $\beta 2M$  оксиди гломерулалар орқали филтрация қилинади ва кейин проксимал найчалар томонидан қайта сўрилади. Ушбу тузилмаларда яллиғланиш жараёни юзага келганда  $\beta 2M$  миқдори сийдикда ортади. 1-гуруҳда  $\beta 2M$  даражаси соғлом болалар кўрсаткичларидан ( $0,31 \pm 0,01$  мг/л)  $7,64$  ( $2,37 \pm 0,03$  мг/л;  $p \leq 0,001$ ) баробар, 3-гуруҳда эса  $9,16$  баробар ( $2,84 \pm 0,03$  мг/л;  $p \leq 0,001$ ) ошганлиги аниқланди, 2-гуруҳда эса бу кўрсаткич  $3,74$  баробар ( $1,16 \pm 0,04$  мг/л ) юқори эканлиги кузатилди.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштириб, 1, 3-гуруҳ беморлари сийдигида  $\beta 2M$  концентрациясининг юқорилигига ( $p \leq 0,001$ ) сабаб: SARS-CoV-2 таъсирида гломеруляр филтрация ўтказувчанлиги ошиши, тубуляр ҳужайраларнинг реабсорбция қобиляти сусайиши, васкулопатиялар, ионлар ва оксиллар метаболизмининг патологик ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишини қайд этиш мумкин.

Биз нейтрофил желатиназа билан боғланган липокалин-2 (NGAL) ёки сидерокалин даражасини ҳам текширдик. Аниқланишича, проксимал каналчалар шикастланганда Генле ҳалқасининг кўтарилувчи бўлагиди ва йиғувчи каналларда NGALни кодловчи мРНК ҳосил бўлиши кучаяди. Унинг асосий вазифаси бактериал инфекцияларни бартараф этиш ва таъсирланган ҳужайралар, айниқса эпителия ҳужайраларининг кўпайишини фаоллаштиришдир.

1 ва 3-гуруҳдаги болалар сийдигидаги NGAL даражаси (мос равишда 1-гуруҳда  $111,64 \pm 0,24$  нг/мл ва 3-гуруҳда  $113,52 \pm 0,89$  нг/мл;  $p \leq 0,001$ ) таққослаш гуруҳидаги (2-гуруҳда  $47,66 \pm 0,38$  нг/мл;  $p \leq 0,05$ ) болаларга нисбатан яққол даражада ошганлиги қайд қилинди.

Ушбу тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, сийдикда NGAL концентрацияси буйрак паренхимасининг зарарланиш даражаси билан бевосита боғлиқлиги аниқланди, бу эса короновирус инфекцияси таъсирида болаларда ренал тўқималарнинг сезиларли даражада зарарланиши исботлайди.

Демак олинган натижаларга кўра, вирус токсинлари буйракнинг барча тузилмалари (глмерулалар, проксимал, дистал каналчалар) га нисбатан юқори тропизмга эга эканлигини тасдиқлайди.

Пиелонефрит билан хасталанган барча беморларда буйрак гемодинамикасини баҳолаш мақсадида ренал доплерометрия текшируви ўтказилди. 1 ва 3-гуруҳларда аниқланган гемодинамик кўрсаткичларни солиштирганда, илдиз артерияси соҳасида сезиларли ўзгаришлар аниқланди, бу  $V_{max}$ , TAMX ва IR кўрсаткичларининг пасайишида (1-гуруҳда  $0,90 \pm 0,13$  м/с;  $0,52 \pm 0,08$  м/с;  $0,63 \pm 0,03$  м/с; 3-гуруҳда  $0,83 \pm 0,13$  м/с;  $0,47 \pm 0,07$  м/с;  $0,60 \pm 0,02$  м/с;  $p \leq 0,05$ ) намоён бўлди, 2-гуруҳдаги болаларда бу кўрсаткич ( $0,97 \pm 0,14$  м/с;  $0,55 \pm 0,09$  м/с;  $0,65 \pm 0,04$  м/с) соғлом болаларниқидан ( $1,06 \pm 0,19$  м/с;  $0,58 \pm 0,08$  м/с;  $0,68 \pm 0,08$  м/с) сезиларли даражада фарқ қилмади.

Сегментар артерия соҳасида ўрганилган ультратовуш хусусиятлари барча тадқиқот гуруҳида деярли бир хил эди. Истисно 3-гуруҳ болаларда ўртача қон оқимининг пасайиши ( $V_{max}$   $0,54 \pm 0,11$  м/с; TAMX  $0,31 \pm 0,05$  м/с  $1,06 \pm 0,13$  м/с;  $p \leq 0,05$ ) билан номоён бўлди. Биз таққосланган гуруҳларда интералобулар буйрак артерияси соҳасида гемодинамик параметрларда ҳеч қандай ўзгаришларни аниқламадик.

COVID-19 ўтказган бемор болалар буйрак гемодинамикасидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти бу жараёнда нафақат сегмент даражасидаги буйрак томирларининг, балки каттароқ калибрли томирларнинг ҳам иштирок этиши аниқланди, бу эса COVID-19 ўтказган бемор болаларда буйракларда интроренал қон айланишида чуқур патологик ўзгаришларни тасдиқлайди.

Сийдикдаги КИМ-1 даражаси ва лейкоцитурия ўртасида кучли бевосита корреляция аниқланди ( $r=0,70$   $r=0,64$ ,  $r=0,73$ ;  $p \leq 0,001$ ), КИМ-1 қанчалик юқори бўлса, патологик жараён шунчалик фаол бўлади ва сийдикда лейкоцитурия даражаси шунчалик юқори бўлади.  $\beta 2M$  даражаси ва КФТ орасида кучли тескари корреляцион ( $r=-0,72$ ;  $-0,65$ ;  $-0,75$ ;  $p \leq 0,001$ ) боғлиқлик аниқланди; сийдикда у-ГТ ва протеинурия ўртасида кучли бевосита корреляцион боғлиқлик ( $r = 0,72$ ;  $0,68$ ;  $0,75$   $p \leq 0,001$ ) аниқланди. Аниқланган корреляцион муносабатлар буйракларнинг парциал функцияларини нормаллаштириш, ферментурия кўрсаткичларини, буйрак тўқималаридаги яллиғланиш жараёнини тиклашга қаратилган даволаш стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

**Диссертациянинг тўртинчи “Анамнезида COVID-19 ўтказган ўткир ва сурункали пиелонефрит билан оғриган болаларда турли даволаш**

**усуллари қўлланилгандан сўнг ўрганилган кўрсаткичлар динамикаси”** бобида пиелонефрит билан оғриган беморларни даволашдан сўнг олинган натижалар келтирилган.

Беморлар даво усулига қараб икки гуруҳга бўлинди. Қиёсий гуруҳга (1-гуруҳ) пиелонефритни анъанавий даволаш усуллари қўлланилган 50 нафар беморлар киритилди, 2-гуруҳдаги 50 нафар болаларга анъанавий даво билан бир қаторда Нефростен ёшига мос миқдорда буюрилди. Терапевтик даво тадбирига Нефростен препарати диуретик, яллиғланишга қарши, уросептик восита сифатида киритилди.

Асосий гуруҳ беморларида касалликнинг экстраренал ва ренал симптомлари 1-гуруҳга қараганда анча олдин бартараф этилган, 11,2-кунга келиб касалликнинг актив жараёнини йўқолиши 2-гуруҳдаги 70% (35) ( $p \leq 0,05$ ) болада ва қиёсий гуруҳда эса атига 34% (17) беморда кузатилди.

Даволашдан сўнг олинган натижаларига кўра, 2-гуруҳ болаларида КФТнинг сезиларли ўсиши кузатилди ( $89,12 \pm 1,26$  мл/мин/1,73 м<sup>2</sup>;  $p_1 \leq 0,01$ ;  $p_2 \leq 0,01$ ) (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Пиелонефрит билан касалланган беморларда даволашдан сўнг гломеруляр филтрация кўрсаткичлари динамикаси

| Кўрсаткичлар                    | Соғлом болалар<br>n=25 | Даволашдан олдин<br>n=121 | Даволашдан кейин             |  |
|---------------------------------|------------------------|---------------------------|------------------------------|--|
|                                 |                        |                           | 1-гуруҳ<br>n=50              | 2-гуруҳ<br>n=50                                  |
| КФТ, мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> | 97,6±2,1               | 70,80±0,49                | 78,2±1,18<br>$p_1 \leq 0,05$ | 89,12±1,26<br>$p_1 \leq 0,01$<br>$p_2 \leq 0,01$ |
| Креатинин зардобда, мкмоль/л    | 77,5±0,17              | 92,34±0,03                | 88,00±0,04                   | 81,33±0,03<br>$p_1 \leq 0,05$<br>$p_2 \leq 0,05$ |

**Изоҳ:**  $p$ — соғлом болалар кўрсаткичлари ва терапиядан олдинги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ аҳамияти;  $p_1$  – даволашгача ва даволашдан кейинги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ аҳамияти;  $p_2$  –анъанавий ва Нефростен қўлланилган беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқни аҳамияти.


Таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳда титрланадиган кислота ( $40,04 \pm 0,19$  ммол/24;  $p_1 \leq 0,01$ ) экскрецияси 1-гуруҳ беморларга ( $33,13 \pm 0,41$  ммоль/л;  $p \leq 0,05$ ) нисбатан сезиларли даражада тикланганлигини гувоҳи бўлди. Асосий гуруҳда титрланадиган кислота кўрсаткичлари соғлом болалар кўрсаткичларидан ( $49,0 \pm 1,8$  ммол/24) мос равишда 18,28% пастлигича сақланиб қолди, қиёсий гуруҳда эса бу кўрсаткич куйдагини ташкил қилди 32,38%.

